

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 17-18-2017**

**Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари (1-21 январь кунлари)
I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ**

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бетакрор диёримизга янги – 2017 йил кириб келмоқда.

Сиз, муҳтарам отахон ва онахонлар, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимиз, бутун халқимизни янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва қувонч тилайман.

Поёнига етаётган 2016 йилда юртимиз ҳаётида яхши кунлар, улкан ютуқ ва марралар кўп бўлди. Шу билан бирга, афсуски, бошимизга оғир ташвиш ва синовлар ҳам тушди.

Лекин бу синовлар эл-юртимизни янада бирлаштирди. Мард халқимизнинг матонати туфайли биз бу синовлардан ҳам муносиб ўтдик.

Яқунига етаётган йил аввало мустақил Ватанимиз 25 ёшга тўлган йил сифатида тарихимизда ўчмас из қолдирмоқда.

Ўтаётган йилни деҳқон ва фермерларимиз, ишчи ва қурувчилар, ўқитувчи ва шифокорлар, жасур ҳарбийларимиз, олимлар, ижодкор зиёлилар – барча касб эгалари ўз соҳалари бўйича ёруғ юз билан яқунладилар.

Айниқса, юртимиз спортчилари Олимпиада ва Паралимпия ўйинларида эришган бекиёс ютуқлар мамлакатимиз шухратини бутун дунёда янада юксалтирди.

Бир сўз билан айтганда, ўтиб бораётган йилдан рози бўлиб, ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Қадрли дўстлар!

Биз кириб келаётган 2017 йилга “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб ном бердик.

Бунинг негизида “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” деган олижаноб мақсад ва вазифалар ётибди.

Янги йилда бу борадаги дастурий вазифаларни амалга оширишда барчамизнинг, аввало, раҳбар ва етакчиларнинг бир жону бир тан бўлиб, астойдил меҳнат қилишларига ишонаман.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш бундан буён ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу қувончли дамларда барчангизни Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман. Юртимиздаги ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, бахт ва омад ҳамда фаровонлик тилайман.

Янги – 2017 йилнинг қадами жонажон Ватанимизга қутлуғ ва баракали келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ
КИТОБ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЧОП ЭТИШ ВА ТАРҚАТИШ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КИТОБ МУТОЛААСИ ВА
КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ТАРҒИБОТ
ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари яратиш ва ўқувчиларга етказишнинг мустаҳкам тизими яратилди, бунда Ўзбекистонда таълим берилаётган еттита тилда дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилмоқда. Ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларининг моддий-техника базаси янгиланиб, замонавий электрон кутубхоналар тизимлари фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот, ноширлик ва ахборот соҳасида тегишли ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, 10 дан ортиқ қонун ва 30 дан ортиқ қонуности ҳужжати қабул қилинган. 1 677 та матбаа корхонаси, 118 та нашриёт давлат рўйхатига олинган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 14 та вилоят ахборот-кутубхона маркази, туман марказлари ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида 200 га яқин ахборот-ресурс маркази томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари ҳамда “Китоб олами”, “Шарқ зиёкори” ва “Ўздавкитобсавдотаъминоти” мажмуалари томонидан китоб савдоси хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида ташкил этилган “Ижод” жамоат фонди томонидан ёзувчи ва шоирлар, айниқса, ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари кўп минг нусхада нашр этилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳа ривожини билан боғлиқ аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим.

Аввало, бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмаган.

Чоп этиладиган китобларни нашриётлардан ҳудудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва манзилга етказиш тизими суст ривожланган, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шакллари кенг фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган.

Таълим ва маданият муассасалари учун китоб харид қилишга маблағлар етарли даражада мавжуд бўлган манбалар ҳисобидан жалб этилмаяпти, китоб сотишга ихтисослашган корхоналар томонидан таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотини ўтказиш, мутолаа маданиятини ошириш, шу жумладан, оммавий-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирлар етарли эмас.

Ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш мақсадида:

1. Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ ва кичик ишчи гуруҳлар таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳ (А.Арипов)га бир ой муддатда соҳа мутахассислари ва экспертларини кенг жалб қилган ҳолда, илғор хорижий тажрибаларни инобатга олиб, қуйидаги масалаларни атрофлича ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш асосида тегишли таклифларни ишлаб чиқиш топширилсин:

аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш, шу жумладан, ижтимоий сўровлар орқали аниқлаш, нашриётлар томонидан чиқариладиган бадиий, маърифий, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга доир адабиётларнинг (шу жумладан, электрон шаклда) умумий буюртма рўйхатини шакллантириш тизимининг ҳолати;

китобларни чоп этиш ҳамда аҳолига етказиб беришни ўз ичига олган бошқарув тизимининг, шунингдек, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш ишларининг танқидий таҳлили;

ноширлар ва адибларни молиявий рағбатлантириш, болалар адабиётига ихтисослашган нашриётларга молиявий имтиёзлар бериш ва моддий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш, матбаа корхоналари ва нашриётларга китоб ишлаб чиқариш учун сифатли қоғоз ва матбаа хомашёларини четдан харид қилиш тартибини такомиллаштириш;

китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш, китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш;

ихтисослашган китоб дўконлари учун вилоят, туман марказлари ва шаҳарларда ҳамда қишлоқларда аҳоли гавжум ва қулай ҳудудлардан жой ажратиш ёки ижарага бериш масалаларини қайта кўриб чиқиш, сотув айланмасида китоб улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган тадбиркорлик субъектларини алоҳида статистик ҳисобга олиш ва уларга тегишли солиқ имтиёзлари қўллаш;

мавжуд ахборот-кутубхона муассасалари аҳолининг кенг қатламларига хизмат кўрсатиши зарурлигидан келиб чиқиб, уларнинг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича жойлашиш ва бўйсунтириш тартибини қайта кўриб чиқиш, фаолияти ҳамда ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг, айниқса, таълим соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фондларини шакллантиришда ўқув адабиётлари билан бир қаторда бадиий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётлар рўйхатини

хамда уларни харид қилиш бўйича харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиш;

чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари, жумладан, “Маданият ва маърифат” телеканали орқали тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш ҳамда таълим муассасалари, айниқса, мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмаларини шакллантириш;

таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этилган ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб, хрестоматия адабиётлари рўйхатларини қайта кўриб чиқиш ва ўқув жараёнига мутолаа этилган асарлар асосида иншо ёзиш тизимини жорий этиш, адабиёт тўғараклари фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини қайта кўриб чиқиш;

худудларда ёзувчи-шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида бадиий жихатдан юксак миллий ва жаҳон мумтоз адабиётлари намуналарини тарғиб қилиш, китобхонлар, босма ва электрон китоб ишлаб чиқарувчилар, китоб сотувчилар ҳамда кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида танловлар (“Йилнинг энг яхши китоби”, “Энг яхши китобхон оила”, “Йилнинг энг яхши болалар китоби”, “Йилнинг энг яхши аудио китоби”, “Йилнинг энг яхши электрон китоби” каби) ўтказиш тизимини такомиллаштириш.

3. Ишчи гуруҳ (А.Арипов) икки ой муддатда мутасадди вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, матбуот ва ахборот ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритувчи ваколатли давлат органини белгилаш, молиявий қўллаб-қувватлаш механизминини ривожлантиришни инобатга олган ҳолда тегишли комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.Мирзиёев
Тошкент шаҳри,
2017 йил 12 январь

ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ БОРИБ, ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида 20 январь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи ташрифини қорақалпоқ заминидан бошлагани муҳим аҳамиятга эга. Бу албатта давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга, қорақалпоқ халқига бўлган юксак ҳурмат-эътиборидан далолат беради.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 10 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувида: “Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!”, деб таъкидлаган эди. Шу билан бирга, ушбу минтақада яшаётган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган кенг кўламли ишлар ҳақида тўхталиб, жумладан: “Бундан буён ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка қишлоқ ва овулларгача кириб борамиз. У ерда истиқомат қилаётган одамларнинг дардини эшитамиз, муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқамиз ва ижросини қатъий назоратга оламиз”, деган эди.

Айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикасига бугунги ташриф ана шундай эзгу мақсадларнинг, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларнинг яна бир амалий ижроси сифатида намоён бўлди.

Маълумки, давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий тармоқлари, саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб ярми, ҳудудий экспортнинг 75 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда бу ҳудуднинг мураккаб шароити, Орол денгизи билан боғлиқ минтақада юзага келган экологик офат аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила ва маҳалла институтларига эътибор қаратиш, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш каби бир қатор муҳим масалалар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган амалий ишларни талаб этмоқда.

Ана шу мақсадда давлатимиз раҳбари ташриф давомида оддий одамлар билан учрашди, оилаларга кириб, уларнинг турмуш шароитлари билан яқиндан танишди. Халқ билан самимий мулоқотлар бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хўжайли тумани марказий шифохонасига ташриф буюрди. Замонавий тиббий техника билан жиҳозланган ушбу муассаса тумандаги 11 қишлоқ врачлик пункти ва 4 поликлиника билан биргаликда 130 мингдан зиёд аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Саломатлик инсоннинг энг қиммат бойлигидир. Одамларга саломатлигини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатадиган мутахассис энг шарафли касблардан бирининг эгасидир.

Шавкат Мирзиёев шифохонадаги шароит билан танишди, қабул, рентген, диагностика ва қатор бошқа бўлимларни кўздан кечирди. Шифокорлар билан мулоқотда малакали тиббий кадрлар етиштириш, тиббий жиҳозлардан унумли фойдаланиш, хизмат малакасини ошириш, шифохоналар куришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқлим шароитидан келиб чиқиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Президентимиз “Мурувват” аёллар интернатига бориб, ушбу муассаса фаолияти билан танишди. Шифокор ва ҳамширалар билан суҳбатлашиб, бу масканда яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

Тумандаги 69-мактаб ўқитувчилари билан бўлган мулоқот чоғида мактабларнинг инфратузилмасини яхшилаш, бу ерда лицей ва коллежларнинг бўлғуси муносиб ўқувчиларини тайёрлаш ва умуман Ватан равнақи учун малакали кадрлар тарбиялаш ишларини такомиллаштириш мавзуида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Агросаноат маркази қурилаётган участкага ҳам ташриф буюрди. 2017-2018 йилларда ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу мажмуа 11 гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш бинолари, шунингдек, терминал, юк тушириш ва ортиш майдони, музхоналар, иссиқхоналар, божхона, ангар, меҳмонхона, овқатланиш муассасаси, спорт мажмуаси каби иншоотлар барпо этилади.

Шу ернинг ўзида Хўжайлида турар-жой инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари одамлар бошланган ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилиши учун жорий йил якунигача 40 кўп қаватли турар-жой биноси барпо этиш ва фойдаланишга топшириш тўғрисида кўрсатма берди.

Шавкат Мирзиёев “Қорақалпоғистон” қишлоқ врачлик пунктида ҳам бўлди. Шифокорлар билан суҳбат асносида аҳолининг давлат идораларига ишончини мустаҳкамлашда тиббиёт муассасалари ходимларининг фаолияти алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Қишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий жиҳозлар билан бир қаторда дори-дармон ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шуманай тумани Жумабой Бозоров номидаги болалар мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюрди. 211 ўқувчи таълим олаётган бу даргоҳда миллий мусиқа асбоблари, фортепьяно, хореография, тасвирий санъат каби ўндан зиёд йўналишда дарс ўтилади. Муассаса очилганига атиги бир неча йил бўлганига қарамай, унинг ўқувчилари қатор танловларда, хусусан, 2 марта мамлакатимиз миқёсида ўтказилган кўрикда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари билан мулоқот чоғида жамоатчилик вакиллари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб вояга етказишга алоҳида эътибор бергани, Президентимиз Шавкат Мирзиёев

у кишининг бу борадаги хайрли ишларини изчил давом эттираётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Агросервис МТП” масъулияти чекланган жамиятининг Қанликўл тумани филиалида ҳам бўлиб, баҳорги дала ишларига пухта тайёргарлик кўриш ҳақида фикрлашди. Туманда пахта майдонини босқичма-босқич қисқартириб, чорвачиликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди.

Қанликўл педагогика коллежида бўлган мулоқотда Президентимиз коллеж мутахассисликларини замон талабига мос равишда ўзгартириш, туман иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун зарур кадрлар тайёрлаш кераклигини таъкидлади. Илмий, бадиий адабиётларни қорақалпоқ тилига ўгириш, чоп этиш ва таълим масканларига етказиб бериш бўйича тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Қўнғирот – Мўйноқ ичимлик суви тармоғи қурилиши бошланиши билан танишди. 101 километрлик ушбу сув тармоғи ишга туширилгач, бир кеча-кундузда 7 минг куб метр сув узатиш ва 25 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилади.

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Қорақалпоғистоннинг бой табиий захиралари, саноат корхоналари, фидойи ва меҳнаткаш халқи мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Қўнғирот сода заводи, Устюрт газ-кимё мажмуаси, ўнлаб қўшма корхоналар иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи Қорақалпоғистон ҳаётида янги истикболлар очди. Давлатимиз раҳбари 20 январь куни соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, таълим, қишлоқ хўжалиги соҳалари муассасаларида бўлиб, уларда яратилган шароитлар билан танишди. Одамлар билан мулоқотда бўлди. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш бўйича йиғилиш ўтказди.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифининг иккинчи куни Нукус шаҳрида қуриладиган полимер маҳсулотлари заводи участкасига ташриф буюрди. Ушбу заводда йилига 8 минг тонна полиэтилен труба,

кадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Замонавий технология билан жиҳозланадиган корхонада юздан ортиқ иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхона билан ёнма-ён барпо этиладиган энергия тармоғи маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод лойиҳаси билан ҳам танишди. Бу ерда Япония, Швейцария, Италия каби мамлакатларда тайёрланган технологиялар асосида замонавий трансформаторлар, фотоэлектростанция деталлари, автоматик электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Аҳоли эҳтиёжи учун турли товарлар ишлаб чиқариш, бизнес субъектларининг барқарор ишлаши ва ҳаёт сифатини таъминлашда кимё саноати ва энергетика тармоғи алоҳида ўрин тутади. Шу боис мамлакатимизда ушбу соҳаларни изчил ривожлантириш, янги корхоналар ташкил этиш орқали импорт қилинаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур икки завод бу борадаги ишларнинг амалий самараларидандир. Уларда тайёрланадиган маҳсулотлар иқтисодиётнинг кўплаб жабҳаларида қўлланилиши, импорт ўрнини тўлдириб, экспортга йўналтирилиши билан улкан аҳамият касб этади.

Корхоналарни мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллик айёмига фойдаланишга топшириш зарурлиги, бу халқимизга муносиб байрам тухфаси бўлиши алоҳида таъкидланди.

Президентимиз мазкур заводлар қурилиши бошланиши билан танишди. Пудратчи ва қурувчилар билан суҳбатлашди, ушбу масъулиятли ишда уларга муваффақиятлар тилади.

Давлатимиз раҳбари замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида реконструкция қилинган Нукус темир йўл вокзалини бориб кўрди. Бино пештоқлари миллий нақшлар билан безатилган. Кутиш зали, она ва бола хонаси, тиббиёт хонаси ва бошқа хоналарда йўловчилар учун кенг қулайликлар яратилган.

Президентимиз бу ерда хизмат турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, йўловчилар учун қулайликларни янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Ибройим Юсупов номидаги иқтидорли болалар мактаби қурилиш участкасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Юсупов қорақалпоқ ва ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган. Унинг асарлари Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, юртга фидойилик ғоялари билан йўғрилган. Шу жиҳатдан атоқли шоир ижоди ёшлар тарбиясида маънавий манба бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёшларни китобга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 январда қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ҳам ана шу эътиборнинг амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари мактаб лойиҳасини такомиллаштириш, хусусан, бино олдида майдон барпо этиш ва бу ерда Ибройим Юсупов ҳайкалини ўрнатиш бўйича тавсиялар берди. Мактаб базасида кичик босмахона ташкил этиб, турли адабиётларни таржима қилиб, чоп этиш лозимлиги таъкидланди. Бу бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни нашр қилиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш ишларига муносиб ҳисса қўшади.

Президентимиз Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида ҳам бўлди. Бу ерда кўп тармоқли болалар клиникаси, ўйин майдончаси, меҳмонхона бунёд этилмоқда. Институтда ҳақиқий илмий муҳит яратиш, хориж тажрибасини ўрганиш, халқаро клиникалар билан ҳамкорликни ривожлантириш, оналар ва болалар саломатлигини самарали муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимидаги нутқида давлат органлари халққа хизмат қиладиган, барча даражадаги ҳокимлар ва раҳбарлар аҳоли олдида ҳисобот берадиган тизим жорий этилишини таъкидлади. Бугунги кунда жойларда ушбу тизимнинг муҳим бўғини бўлган Халқ қабулхоналари ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди. Бу ерда фуқароларни қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва сақлаш замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этилган. Она ва бола хонаси, тиббиёт хонаси ва бошқа хоналарда зарур шароитлар, ногиронлар учун алоҳида қулайликлар яратилган.

Ҳар бир мурожаатни адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этиш, раҳбарларнинг мурожаатлар билан ишлашини таҳлил қилиб бориш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009-2016 йилларда ҳудуднинг 134 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 3 минг 650 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Нукус шаҳрида 34 кўп қаватли уй, замонавий амфитеатр, Ёшлар маркази, И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейининг янги бинолари, турли спорт мажмуалари бунёд этилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Нукуснинг Ерназар Олакўз кўчасини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди. Режага кўра, ушбу марказий кўча кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати учун янада қулайлик яратилади. Йўл бўйида кўп қаватли уйлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилади.

Давлатимиз раҳбари Имом Эшон Муҳаммад масжидида нуронийлар билан суҳбатлашди. Унда халқимиз турмуш даражасини янада ошириш, кексаларни эъзозлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш ҳақида сўз борди. Нуронийлар Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан

танишиш мақсадида илк ташрифини қорақалпоқ заминидан бошлагани давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга, қорақалпоқ халқига бўлган юксак ҳурмат-эътиборидан далолат эканини, ташриф натижалари бу ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашди.

Учрашувда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари, Фанлар академияси аъзолари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, таълим тизимини ривожлантириш, инновацион иқтисодиёт тараққиётига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир.

Бу борадаги ишлар бугун изчил ва тизимли равишда давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисидаги фармонида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш мақсадида бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан кудуқ қазишдек гап, деди Президентимиз. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб.

Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг ҳаммасини ҳам илм-фаннинг бугунги юқори ривожланиш даражасига тўла жавоб беради, деб бўлмайди.

Юқори технологик илмий маҳсулотларни амалиётга жорий этиш учун янги замонавий тажриба-ишлаб чиқариш, конструкторлик-технологик ташкилотлар ҳамда инновация марказларини ташкил этиш зарур. Маркетинг

ва лицензиялаш хизматлари талаб даражасида эмас. Бу мамлакатимиз илмий-инновацион маҳсулотларини амалиётга кенг татбиқ этишда яққол сезилмоқда.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Янги технологияларни жорий қилувчи корхоналарга имтиёзлар ва преференциялар бериш илм-фанга инвестиция киритадиган корхоналар сони сезиларли даражада ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Мавжуд илмий салоҳият ва маблағларни иқтисодиёт тармоқларининг буюртмалари ва муайян муаммоларни ечишга қаратилган энг муҳим устувор тадқиқотларга йўналтириш зарур.

Жаҳоннинг етакчи институтлари, университетлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда, деди Президентимиз. Хорижнинг етакчи ўқув ва илмий муассасаларида таълим ва илмий даража олган юртдошларимиз учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни рағбатлантириш чораларини кўриш керак.

Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўп. Улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозим. Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашдаги биринчи босқич – мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарур. Бу йўлда ҳеч нарсани аямаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди учрашувларида илгари сурилган таклифлар, жумладан, замонавий технопарклар, Академиклар шаҳарчасида эркин иқтисодий ҳудуд мақомига эга бўлган Инновацион марказ ташкил этиш бўйича ташаббуси илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, соҳага маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш имконини бериши илм-фан аҳли томонидан алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Фанлар академияси академиклари А.Қаюмов, М.Салоҳиддинов, Р.Убайдуллаева, С.Рашидова, А.Глушенкова, Т.Даминов, Ж.Бозорбоев, Б.Йўлдошев, Б.Назаров ва бошқалар Президентимизнинг яқинда қабул қилинган фармони соҳа ривожидида муҳим роль ўйнашини таъкидлаб, мавжуд долзарб масалалар, мамлакатимизда илм-фан ҳамда инновацион фаолиятни янада ривожлантириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди. Президентимизга мамлакатимизда илм-фан ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаётгани, илм аҳлини рағбатлантиришга қаратаётган алоҳида эътибори учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иқтисодиётимизнинг барча соҳалари тараққиётида илм-фаннинг ўрни, аҳамияти ғоят катта экани, бу борада давлатимиз биринчи галда Фанлар академияси ва олимларга суянишини, фан

ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бугун ниҳоятда долзарб эканини алоҳида таъкидлади. Йиғилганларни яна бир бор Янги йил байрами билан қутлади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДАГИ ЭЛЧИХОНАЛАРИ, ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ИШИГА ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИЛДИ

2017 йилнинг 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камиллов олиб борган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгиланган топшириқлар нуқтайи назаридан ТИВ марказий аппарати ва хориждаги муассасалар фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Учрашувда вазирлик аппарати, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчихоналари, халқаро ташкилотлардаги доимий ваколатхоналари, консуллик муассасалари ишига танқидий баҳо берилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар ва кенгашлар) фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорини ижро этиш чоралари белгиланди.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев иштирок этди.

АБДУЛАЗИЗ КАМИЛОВ БМТ ВАКИЛИ ПЕТКО ДРАГАНОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

2017 йилнинг 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камиллов БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази (МОПДММ) раҳбари Петко Драгановни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва МОПДММ ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиш истиқболлари ҳамда долзарб халқаро ва минтақавий масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОНДА УЧТА ЯНГИ ХУСУСИЙ ТЕЛЕКАНАЛ ОЧИЛАДИ

Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси бошқарув раиси Фирдавс Абдуҳолиқовнинг сўзларига кўра, электрон ОАВ фаолиятини тартибга солишга жавобгар бўлган махсус ҳукумат комиссияси ўтган ҳафта охирида учта янги каналга фаолият олиб бориши учун лицензия тақдим этган. «Бу учта янги телеканал бўлади. Биринчи — «Зўр ТВ», шунингдек «Футбол» махсус телеканаллари ва «Караван ТВ» телеканаллари ҳам пайдо бўлади. Бизнинг ушбу учта канал мамлакат телеэфирига янада рангбаранглик қўшишига ишончимиз комил», — таъкидлаб ўтди Фирдавс Абдуҳолиқов.

Ўзбекистонда сўнгги беш йил давомида ўнлаб янги телеканаллар очилди — «Маҳалла», «Дунё бўйлаб», «Маданият ва маърифат», «Оилавий», «Диёр», «Кинотеатр», «Болажон», «Миллий ТВ», Uzreport TV ва бошқалар.

Айни дамда республика аналогли телевидениедан DVB-T2 шаклидаги ер усти рақамли телеузатишга ўтмоқда. Рақамли телевидение билан қамраб олинган аҳоли даражаси деярли 90 фоизга тенг. 2011 йилнинг ноябрида МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб HD шаклидаги ер усти узатиш телеканалли — UzHD фойдаланишга топширилди. Республика ҳудудларида рақамли мультимедиа таркибида 12та телевизор ва 4та радиоканал трансляция қилинмоқда. Улар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибига киради.

II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

ТРАМП ПРЕЗИДЕНТЛИГИНИНГ БИРИНЧИ ҲАФТАСИДА НИМАЛАР БИЛАН БАНД БЎЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

АҚШ президенти Доналд Трамп Оқ уйдаги фаолиятининг биринчи ҳафтасида нималар билан банд бўлишини маълум қилди. Унинг твиттердаги саҳифасида ёзишча, биринчи даражада эътиборини янги иш жойларини ташкил этиш ва миллий хавфсизликни таъминлаш масалаларига қаратар экан. Давлат раҳбарининг маълум қилишича маҳаллий вақт билан 09.00да (Тошкент вақти билан 19.00) юқори доира вакиллари билан учрашув белгиланган экан.

ТРАМП ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШИ БИЛАН ИЛК ҚАРОРНИ ИМЗОЛАДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп жума куни кечки вақт Оқ уйдаги илк фаолиятини бир қатор ҳужжатлар, жумладан вазирлар маҳкамаси таркибига оид ва соғлиқ сақлаш дастурига ўзгартиришлар киритиш борасидаги ҳужжатларни имзолаш билан бошлади. Бу ҳақда Оқ уй матбуот котиби Шон Спайсер маълум қилди. Матбуот котиби келгуси ҳафтада Доналд Трампнинг дастлабки миллатга мурожаати бўлиб ўтишини хабар қилди. Бундан ташқари Спайсер журналистларга АҚШ раҳбарининг собиқ президент Барак Обама имзолаган соғлиқни сақлаш дастуридаги (Obamacare) миқдорларни ҳимоя қилиш ва тиббий хизмат кўрсатишга оид масалаларни енгиллаштириш борасидаги қонунни имзолаганини маълум қилди.

ТРАМП НАФТА КЕЛИШУВИНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОННИ ИМЗОЛАДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп 23 январда Мексика ва Канада билан Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди ҳақидаги келишув (NAFTA) шартларини ўзгартириш бўйича жараённи бошлаш тўғрисидаги фармонни имзолади. Бу келишувга АҚШ, Мексика ва Канада киради. Бу ҳақда CNBC телеканалли хабар бермоқда. Телеканал маълумотларига кўра, Трамп яқин

кунларда АҚШнинг Осиё-Тинч океани минтақасида маҳсулотлар ва хизматларга бож тўловларини тўлиқ бекор қилишни кўзда тутувчи Транс-Тинч океан ҳамкорлигидан чиқиши ҳақидаги фармонни имзоламоқчи.

ГАМБИЯНИНГ СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТНИ ДАВЛАТ ҒАЗНАСИДАГИ БОР 11 МЛН ДОЛЛАР БИЛАН ТАРК ЭТГАНИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Гамбияда президентлик лавозимини қатор можаролардан сўнг бўшатишга рози бўлиб, мамлакатдан чиқиб кетган собиқ президент Яйя Жамме давлат ғазнасидаги бор 11 млн долларни олиб чиқиб кетгани маълум бўлди. У Гамбияда 22 йил президентлик қилди ва якшанба куни давлатни тарк этгани ҳақида Associated Press хабар бермоқда. Жамме Гвинеяда самолётга ўтириб жўнаб кетган. Янги сайланган президент Адама Бэрроунинг маслаҳатчисининг айтишича, Жамме кетганидан сўнг давлат ғазнаси бўшаб қолган. Собиқ президент ўзи билан 11 млн доллардан ортиқ маблағ ва қимматбаҳо машиналар коллекциясини олиб кетган. Айни вақтда Ғарбий Африка давлатлари бирлашган ҳарбий қисми Гамбия пойтахти Банжулга кириб келган бўлиб, улар янги давлат раҳбарининг мамлакатга душанба кунги ташрифи вақтида хавфсизлигини таъминлаши маълум қилинмоқда.

ВАШИНГТОН СЕУЛГА ПАН ГИ МУННИНГ УКАСИНИ ҲИБСГА ОЛИШНИ СЎРАБ МУРОЖААТ ҚИЛДИ

АҚШ ҳукумати Жанубий Корея адлия вазирлигига БМТнинг собиқ бош котиби Пан Ги Муннинг укаси ва жиянини ҳибсга олишни сўраб мурожаат қилган. Бу ҳақда ABC Australia хабар бермоқда. Америка ҳукумати Пан Ги Санни коррупция ва маблағларни ўзлаштиришда айбламоқда. Ҳуқуқ органлари хабарига кўра, бу ерда гап Вьетнамдаги Кореянинг Keongnam Enterprises фирмасига қарашли бино сотилиши доирасидаги 500 минг доллар пора ҳақида бормоқда. Пан Ги Саннинг аввалроқ Keongnam Enterprises курилиш фирмаси раҳбарларидан бири сифатида фаолият олиб боргани айтилмоқда. Ўз ўрнида Пан Ги Мун мазкур масалада ҳаққоний ва адолатли тергов ўтказилишига умид билдирган. Матбуотда таъкидланишча, ушбу можаро БМТ собиқ бош котибининг Жанубий Корея президентлиги лавозимига даъвогарлиги борасидаги режаларига таъсир кўрсатиши мумкин экан. Айни вақтда Пан Ги Муннинг АҚШда истиқомат қилувчи жияни Чу Хен Пан (Пан Ги Саннинг ўғли) ҳибсга олинган.

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.